ИБРОҲИМ САМАРҚАНДИЙ ШАХСИЯТИНИНГ ГЕРМЕНЕВТИК ТАҲЛИЛИ

ГЕРМЕНЕВИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛИЧНОСТИ ИБРАГИМА САМАРКАНДИ

HERMENEUTIC ANALYSIS OF IBRAHIM SAMARKANDI'S PERSONALITY

Feruz Z. KHOLMUMINOV
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN
Researcher of the Imam Maturidi International Scientific Research Center.
E-mail: dangeroux.93@mail.ru
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

DOI: 10.47980/IIAU/2022/2/8

Аннотация. *XIV-XV асрларда ислом динининг Индонезия архипелагида кенг тарқалишида асли самарқандлик олимларнинг ҳиссаси катта бўлган. Ушбу олимлардан бири – Малик Иброҳим ас-Самарқандийдир. У асли самарқандлик бўлиб, Индонезия халқи орасида Шайх Жумадул Кубро ёки Жамолиддин Акбар ал-Ҳусайний номлари билан танилган Мавлоно Ҳусайн Жумадил Кубронинг ўғли эканлиги манбаларда келтирилади. Бу икки олим Жануби-Шарқий Осиё минтақаларида ислом дини кенг тарқилашига катта ҳисса қўшган Вали сонго деб номланувчи тўққиз авлиёдан иборат олимлар ҳалқасига киради. Маълумотларга кўра, Иброҳим Самарқандий биринчилардан бўлиб Индонезияда ислом дини таълимотларини ўргатувчи диний мадраса-мактаб ташкил қилгани тўғрисида манбаларда келтирилган. Бугунги кунда ҳам Индонезия Республикасида унинг номи билан аталувчи университет ва институтлар фаолият юритади.*

Тадқиқотчилар асарларида айтилишича, дастлаб Ява оролига Мавлоно Жумадил Кубро ўзининг икки ўғли Иброҳим ва Исҳоқлар билан келади. Сўнгра улар ислом динини тарқатиш мақсадида ажралиб турли томонларга тарқалиб кетади. Манбаларга кўра, Жумадил Кубро Ява оролида қолади, Иброҳим Самарқандий Чампага (Ҳозирги Вьетнам ҳудудлари), Мавлоно Исҳоқ эса Суматра оролининг шимолий ҳудуди бўлган Пасайга жўнаб кетади.

Уларнинг кейинги ҳаётлари тўғрисидаги маълумотлар турлича, баъзиларига кўра Иброҳим Самарқандий табиблик ва тижорат билан шуғулланган, маҳаллий деҳқонларга деҳқончилик маданиятини ўргатган, маҳаллий ҳукмдорлардан бирининг қизи билан оила қуриб ундан икки фарзанд кўриб сўнгра ўз оиласини ташлаб Ява оролига қайтгани тўғрисида маълумотлар учрайди. У умрининг сўнгини ҳозирги кунда Гресик деб номланувчи қишлоқда ўтказгани ва 1419 йилда вафот этгани айтилади. Ҳозирги кунда унинг мақбараси мавжуд бўлиб маҳаллий аҳоли учун муҳим зиёрат масканларидан бири саналади.

Иброҳим Самарқандий кўплаб маҳаллий аҳолининг ислом динини қабул қилишига сабабчи бўлгани манбаларда келтирилади. Бунинг асосий сабаби сифатида унинг савдогарлик фаолияти натижасида кўплаб зодагон кишилар билан танишгани, улардан ислом динини ёйишда катта ёрдам олгани келтирилади.

Ушбу мақолада Малик Иброҳим Самарқандийнинг шахсияти, насабномаси ва ҳаётий фаолияти ўрганилган. Иброҳим Самарқандийнинг Индонезия архипелагида ислом дини тарқалишининг дастлабки даврида тутган ўрни тадқиқ этилган. Шунингдек, илмий тадқиқот доирасида XIV-XV асрларда Самарқанд минтақаси ва Ява оролида тарқалган ислом динининг ўзига хос боғлиқликлари ҳам очиб берилган.

Калит сўзлар. *Ислом, Инднезия, даъват, дин, архипелаг, насабнома, шажара, тасаввуф, вали сонго, шайх, манба, ҳижрий, яриморол, Чампа, Мажапаҳит, Ява.*

Аннотация. *Ученые самаркандского происхождения сыграли важную роль в распространении ислама на Индонезийском архипелаге в XIV-XV веках. Одним из таких ученых является Малик Ибрагим ас-Самарканди. Источники говорят, что он был родом из Самарканда и был сыном Мавланы Хусейна Джумадила Кубро, известного среди индонезийцев как шейх Джумадул Кубро или Джамолиддин Акбар аль-Хусейни. Эти два ученых принадлежат к кругу ученых девяти святых, известных как Вали сонго, которые внесли большой вклад в распространение ислама в регионах Юго-Восточной Азии. Согласно источникам, Ибрагим Самарканди был одним из первых, кто основал в Индонезии религиозную школу-медресе для преподавания исламских учений. Сегодня в Республике Индонезия имеются университеты и институты, носящие его имя.*

По мнению исследователей, Мавлана Джумадил Кубро впервые приехал на Яву со своими двумя сыновьями Ибрагимом и Исхаком. Затем они разделились и разошлись в разные стороны, чтобы распространять ислам. Согласно источникам, Джумадил Кубро остался на острове Ява, Ибрагим Самарканди уехал в Чампу (ныне Вьетнам), а Мавлана Исхак уехал в Пасай, северную часть Суматры.

Информация об их дальнейшей жизни разнится: некоторые утверждают, что Ибрагим Самарканди занимался медициной и торговлей, обучал местных фермеров культуре земледелия, женился на дочери одного из местных правителей, имел двоих детей, а затем оставил свою семью, чтобы вернуться на Яву. Говорят, что он провел остаток своей жизни в деревне, ныне известной как Гресик, и умер в 1419 году. Сегодня его мавзолей является одним из важнейших мест паломничества местных жителей.

Источники говорят, что Ибрагим Самарканди заставил многих местных жителей обратиться в ислам.

Основная причина этого в том, что в результате своей торговой деятельности он познакомился со многими аристократами, от которых получил большую помощь в распространении ислама.

В данной статье рассматриваются личность, генеалогия и жизнь Малика Ибрагима Самарканди с научной точки зрения. Кроме того, изучается роль Ибрагима Самарканди на ранних этапах распространения ислама на Индонезийском архипелаге. Исследование также выявляет специфические связи ислама в XIV-XV веках в Самаркандском регионе и на острове Ява.

Ключевые слова. *Ислам, Индонезия, призыв, религия, архипелаг, генеалогия, генеалогическое древо, мистицизм, вали сонго, шейх, источник, хиджри, полуостров, Чампа, Маджапахит, Ява.*

Abstract. *Scholars of Samarkand origin also played an important role in the spread of Islam in the Indonesian archipelago in the XIV-XV centuries. One of these scholars is Malik Ibrahim as-Samarkandi. Sources say that he was originally from Samarkand and was the son of Mawlana Hussein Jumadil Kubro, known among the Indonesian people as Sheikh Jumadul Kubro or Jamoliddin Akbar al-Husseini. These two scholars belong to the circle of scholars of nine saints known as Vali songo, who made a great contribution to the spread of Islam in the regions of Southeast Asia. According to sources, Ibrahim Samarkandi was one of the first to establish a religious school (madrasa) in Indonesia to teach Islamic teachings. Today, there are universities and institutes named after him in the Republic of Indonesia.*

According to researchers, Mawlana Jumadil Kubro first came to Java with his two sons, Ibrahim and Ishaq. They then split up and spread in different directions to spread Islam. According to sources, Jumadil Kubro remained on the island of Java, Ibrahim Samarkandi left for Champa (now Vietnam), and Mawlana Ishaq for Pasai, the northern part of Sumatra.

Information about their later lives varies, with some claiming that Ibrahim Samarkandi practiced medicine and trade. He taught local farmers the culture of farming, married the daughter of one of the local rulers, had two children, and then left his family to return to Java. He is said to have spent the rest of his life in a village now known as Gresik, and died in 1419. Today, his mausoleum is one of the most important pilgrimage sites for the locals.

Sources say that Ibrahim Samarkandi caused many locals to convert to Islam. The main reason for this is that as a result of his trade activities he met many aristocrats, from whom he received great help in spreading Islam.

This article examines the personality, genealogy, and life of Malik Ibrahim Samarkandi from a scientific point of view. In addition, the importance of Ibrahim Samarkandi in the early stages of the spread of Islam in the Indonesian archipelago is studied. The research also reveals the specific connections of Islam in the XIV-XV centuries in the Samarkand region and the island of Java.

Keywords. *Islam, Indonesia, Da'wah, religion, archipelago, genealogy, family tree, mysticism, vali songo, sheikh, source, hijri, peninsula, Champa, Majapahit, Java.*

КИРИШ

Индонезия архипелаги хусусан Ява оролида ислом дини кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган тарихий шахслардан бири Малик Иброҳим Самарқандийдир. У архипелагда мусулмон зиёлиси ҳамда "Асмарақандий" яъни Самарқандий авлодидан бўлган сўфий тариқатчи сифатида тилга олинади. Шунингдек, у Чампа ва Индонезия хусусан, Явада ном таратган даъватчи сифатида ҳам танилган. Бундан ташқари Иброҳим Самарқандий исломни бутун Индонезия бўйлаб кенг тарқалишига ва минтақадаги асосий дин сифатида шакилланишига муваффақ бўлган машҳур тўққиз авлиёдан (Вали сонго) бири Раден Раҳматнинг (Сунан Ампел) отаси саналади.

Шундай бўлишига қарамасдан, унинг Самарқанд ва Индонез архипелагини бир-бирига боғловчи шахс эканлиги ҳамда архипелагда ислом дини кенг тарқалишига қўшган улкан ҳиссаси тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб кетган. Бунга далил сифатида Самарқанд ва Самарқандий номларининг ғарб ва шарқ тарихчилари изланишларида Индонезиядаги исломнинг кенг тарқалиши жараёнига ҳисса қўшган шахс ёки минтақа сифатида деярли тилга олинмаганлигини келтириш мумкин. Архипелагга ислом динининг кириб келиши ва тарқалиши жраёнлари ҳар доим Гужорат, Малабар, Бенгал, Коломадер, Эрон ва Саудия Арабистони билан боғлаб кўрсатилади (Husda H., 2016:17-29). Минтақага исломнинг кириб келишини Арабистон ва Ҳиндистон ярим ороллари ёки улар атрофидаги ҳудудлар билан боғлаш мумкин, аммо унинг минтақада кенг тарқалишини Марказий Осиёлик шахслар ҳамда тасаввуф тариқатларисиз тасаввур қилиш мантиқан нотўғри бўлади.

Иброҳим Самарқандийнинг ҳаёти ҳақида маълумотларни Индонезия архипелаги тарихи тўғрисида хабар берувчи Бабад танаҳ Жави, Бабад Рисакипун Мажапаҳит, Бабад Чиребон ва бошқа шу каби тарихий манбаларда келтирилган ҳикоялардан олиш мумкин.

Иброҳим Самақандий сиймосини чуқур тадқиқ қилиш натижасида архипелагдаги илк исломлашув жараёнлари аслида Самарқанд билан бевосита алоқадор эканлиги тўғрисидаги янги йўналишни кўриш мумкин (Mukaffa Z., 2017:175-200). Иброҳим Самарқандий шахсиятини тадқиқ қилиш жараёнида унинг даъватидаги ёндашув сўфийликдан келиб чиқишини кўриш мумкинки. Демак, тадқиқот натижаси ислом динини илк ёювчиларнинг архипелагда пайдо бўлиши тўғрисидаги умумэътироф этилган назарияларни мутлақо

ўзгартирмасада, бу жараёнлардаги Самарқандлик шахсларнинг инкор этиб бўлмайдиган даражада муҳим ўрин тутганлиги тўғрисидаги янги тушунча ва қарашларни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Иброҳим Самарқандий оиласи ва издошлари билан биргаликда XIV асрнинг сўнгги ўн йиллиги ва XV асрнинг биринчи чорагидан бошлаб архипелагда ислом дини тарқалиши жараёнларининг муҳим шахсиятларидан бўлиб келмоқда. Шундай экан Самарқандга ҳам минтақада ислом дини тарқалиши борасида Гужорат, Малабар, Бенгал, Коломандер, Эрон ва Саудия Арабистони билан тенг мавқеда қаралса мантиқан тўғри бўлади. Бундан ташқари, Индонезиядаги исломлашув жараёнлари тарихида тасаввуф энг самарали ёндашув бўлганлигини ҳам қайд этиш лозим. Чунки минтақага ислом дини дастлаб VII-VIII асрларда кириб келган бўлишига қарамасдан то XIV асрга қадар жамиятда устун мавқега эга бўла олмади. Исломни маҳаллий аҳоли турмуш тарзига олиб кирилиши эса бевосита тасаввуфий тариқат вакиллари, хусусан Иброҳим Самарқандий ва унинг оиласи ҳамда издошлари томонидан амалга оширилди. Индонезиядаги ислом тарихи билан боғлиқ кўплаб далиллар буни тасдиқлайди. Бундай далиллар қаторига Вали сонго феноменининг ҳам айнан Иброҳим Самарқандий билан бошланишини келтириш мумкин. Шу сабабли уни ахипелагда ислом дини асосий динга айланишининг асосчиси деб аташ мумкин.

УСЛУБЛАР

Жануби-Шарқий Осиё, хусусан Индонезияда ислом дини тарқалишида Иброҳим Самарқандий ва Самарқандлик тарихий шахсларнинг аҳамиятини янада мукаммалроқ тушиниб етиш учун аввало бу унинг Самарқанд билан алоқаларини аниқлаш лозим. Бунинг учун аввало юртимиз алломалари тарихига оид манбалардан Иброҳим Самарқандий ва унинг аждодларига алоқадор маълумотларни аниқлаш лозим.

Юртимиз тарихида Самарқандлик бўлган фақат бир шахс ислом дини ва тасаввуф таълимотининг тарғиботчиси сифатида X – XIV асрлар оралиғида Жанубий-Шарқий Осиё минтақаларига сафар қилгани қадимий манбаларда қайд этилган. Бу шахснинг номи Шайх Бурҳониддин ибн Алоуддин Соғаржийдир. Ушбу аллома яшаб ўтган саналари бўйича ҳозирча аниқ малумотлар мавжуд эмас. Аммо, ҳаёти ва фаолияти, сафарлари ҳамда фарзандлари борасида тарихий манбаларда бир қанча маълумотлар учрайди. Баъзи манбаларда Соғаржий X асрда Сомонийлар ҳукмронлиги даврида яшаб ўтгани айтилса, бошқаларида XIII – XIV асрларда яшагани хабар берилади (Kattaev K., Katteva G., 2022:16). Яна бир тарихий манба “Хулосатул-маноқиб” асарида эса Соғаржийга нисбатан “Ул зот саккизинчи ҳижрий асрнинг шуҳратли инсонларидан ва ўз асрининг киборли имомларидан эди”, деган таъриф берилган. Бундан эса унинг милодий 1200-1300 йилларда яшаганини кўрсатади.

Унинг яшаб ўтган даврлари борасидаги чалкашликнинг яна бир сабаби сифатида “Соғаржий” нисбасидаги олимларнинг кўп бўлганлигини келтириш мумкин. Лекин ушбу шахснинг XIII – XIV асрда яшагани борасидаги маълумотларни асословчи манбалар етарли эмас. Соғаржий Хитойда вафот этганидан сўнг уни ўғли Абу Саъид Самарқандга олиб келади. Соғаржийнинг мақбараси бугунги кунда Руҳобод мажмуаси деб номланади. Ушбу мақбарада унинг турмуш ўртоғи Хитой маликаси Биби Ҳанифа ҳамда ўн нафар фарзанди, икки қизи ва саккиз ўғли дафн этилган.

Бурҳониддин Соғаржийнинг насабномаси ота томонидан халифа Умарга бориб етса, она томонидан Аҳли Байтдан бўлганлиги айтилади.

Индонезияда топилган тарихий манбалар ва олимларнинг тадқиқотларида тилга олинган Шайх Жўмадил Кубро, Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг тўнғич фарзанди Шайхзода Абу Саъиднинг ўғли бўлганлиги ҳақиқатга жуда яқин (Kattaev K., Katteva G., 2022:112). Чунки, Шайх Абу Саъиднинг онаси Хитой тарафдаги давлат ҳукмдорининг қизи бўлгани учун шу юртда меросхўр ҳисобланган ва шунинг учун ўғлига шаҳзода ёки ҳукмдор маъносини англатувчи “Малик” нисбасини бериб Малик Иброҳим деб аталган бўлиши мумкин. Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг Ҳинди-Хитой минтақаларига сафар қилиб у ерда ислом дини ва тасаввуфни тарқатгани ҳамда ўша ерда подшоҳ қизига уйлангани тўғрисида Нажмуддийн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг[1] “Ал-Қанд фи таърихи Самарқанд” ва “Ал-Қанд фий зикри уламаи Самарқанд” ҳамда Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саъид Самарқандийнинг “Самария” (Abu Tokhirkhoja, 1991) каби қадимий асарларида қайд этилган.

К.Каттаев ўз асарида дастлаб Соғаржий сўнгра ўғиллари XIV асрдан эса унинг кейинги авлодлари, хусусан Мавлоно Малик Иброҳим ҳам жануби-Шарқий Осиёга сафар қилиб, боболари бошлаган тарғибот ишларини давом эттириб янада кенгроқ

[1] Насафий XI асрнинг охирги чорагида Насафда туғилиб, 1142 йилда Самарқандда вафот этган ва Чокардиза қабристонида, бобокалони Имом Мотуридий мақбараси яқинида ва устози Абу Муъин Насафий қабри ёнида дафн этилган.

ва узоқроқ ўлкаларга тарқалиб кетганини айтади (Kattaev K., Katteva G., 2022:18).

XIII асрда яшаб ўтган Самарқандлик йирик тарихчиси, аллома Имом Нажмуддийн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг "Ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд" асарида Шайх Бурҳониддин ибн Алоуддин Соғаржийнинг Шарқий Осиё юртларига сафари тўғрисида маълумотлар келтирган (Nasafi, 1994:155).

Тадқиқот мавзусига оид Самарқанд тарихи ва алломалари ҳақида ёзилиб, бизгача етиб келган асарлар сирасига Абу Саъид Муҳаммад ал-Идрисий (вафоти 405/1015) "Таворихи Самарқанд", Нажмуддийн Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийнинг "Ал-Қанд фи тарихи Самарқанд", "Ал-Қанд фий зикри уламаи Самарқанд, Абу Фазл Муҳаммад бин Абу Жамил бин Абдумалик бин Ҳайдар ас-Самарқандийнинг "Қандияи хурд", Абу Тоҳирхожа ибн Абу Саъид Самарқандийнинг "Самария" ва бошқа шу каби асарларини киритиш мумкин. Юқоридаги асарлар ичида Абу Тоҳирхўжанинг "Самария" асари XIX асрнинг 30 йилларида ёзилган.

Айнан, ушбу асарлардан Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг ҳаёт-фаолиятлари билан боғлиқ қимматли маълумотларни топиш мумкин. "Самария" китобида нисбатан кам берилган бўлса-да, "Ал-Қанд фий таърихи Самарқанд" ва "Ал-Қанд фий зикри уламаи Самарқанд" асарларидан батафсил маълумотларни олиш мумкин.

Китобда Самарқандда фаолият кўрсатган турли алломаларнинг мазороту мақбаралари тарихидан ташқари, яна айнан фақат шу китобда машҳур машойих, Суҳравардия тариқатининг пешвоси Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг Шарқ юртлари (Ҳинди-Хитой ва Индонезия)га ислом дини ва тасаввуф тариқатини ёйишда қилган сафари ва фаолияти тасвирланган. Китоб, бошқа шу каби тасаввуфий мақомоту маноқиблар каби агиографик тарзда ёзилган.

Ушбу асарда ёзилишича, Суҳравардия тариқати ўша пайтларда Мовароуннаҳрда энг устувор тариқат ҳисобланган. Тариқат асосчисининг ўғли Шайх Зайниддин Кўйи Орифон (Mukhamedov N., 2019:7) Тошкентда фаолият олиб борган ва ўзининг машҳур шогирдларидан бири Шайх Нуриддин Басирни тариқат тарғиботи учун Самарқандга жўнатган. Ўз навбатида Шайх Нуриддин Басир ҳам машҳур шогирди Бурҳониддин Соғаржийни Ҳинди-Хитой мамлакатларига юборган. Шарқ мамлакатига келган Шайх Бурҳониддин катта тарғиботлари туфайли ўша юрт ҳукмдори назарига тушиб қолади. Ҳукмдор ва халқи унинг тарғиботлари туфайли ислом динини қабул қилган. Сўнгра ҳукмдор ўз қизини Соғаржийга никоҳлаб беради. Уларнинг фарзандлари эса шу юртнинг валиаҳдига айлангани айтилади.

Соғаржий вафот этгач, васиятига кўра жасади Самарқандга келтирилиб, Руҳобод мақбарасига дафн қилинади. Унинг ўғли Абу Саъидни Амир Темур ўзининг пиру деб билган. Абу Саъид ҳам ўзининг баъзи ўғил ва невараларини она юртига даъват қилиш учун юборган.

Тарихий манбаларга кўра, Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий дунёга машҳур аллома Имом Мотуридийнинг набираси эканлиги айтилган. У ёзган китоблар туфайли Самарқандан етишиб чиққан олимлар фаолияти, дафн этилган мавзелари тарихи бизгача етиб келган. Унинг биринчи китоби Самарқанддаги алломаларнинг қабрлари тўғрисида бўлиб, "Ал-Қанд фий таърихи Самарқанд" (Nasafi, 1994:320) қисқача "Қандия" деб номланган. Иккинчи китоби эса Самарқанд алломалари тўғрисида бўлиб, "Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд" (Nasafi, 2001:150) деб аталган.

Қандия асари Имом Насафий вафот этгандан сўнг унинг шогирд ва издошлари томонидан тўлдирилиб, анча қўшимчалар киритилган. Жумладан, буюк машойихлар Шайх Нуриддин Басир ва унинг шогирди Шайх Бурҳониддин Соғаржийга тегишли боблар ҳамда Амир Темур тарихига оид баъзи боблар агиографик-сўфийлик тарзида ривоят қилинган.

Юқоридаги асарлардан ташқари, яна бир неча асарларда Соғаржийнинг фаолияти у ёки бу тарзда айтиб ўтилади. Жумладан, Сайид Али Ҳамадонийга бағишланган Маноқиб ва Мақомот туридаги асарлар ҳамда "Машорибул азвоқ" каби китобларда Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг Сайид Ҳамадонийни пиру устозларидан бири эканлиги ёзилиб, сафарлари тўғрисида ҳам қисқача сўз боради. Масалан, "Хулосатул-маноқиб" асарида шундай ёзилган: "Соғарж – Самарқанд Сўғдининг манзилларидан биридир. Шайх Бурҳониддин Соғаржийга қадимий ҳукмдорлар таъзиму такрим бажо келтиришарди. Ул зот саккизинчи ҳижрий асрнинг шуҳратли инсонларидан ва ўз асрининг киборли имомларидан эди. Солиқларга ижозати куллий берар, одоб-ахлоқ тарқатар ва зикрларни ўргатар эди. Ҳинд подшоҳи Султон Муҳаммад бин Ғиёсиддин Туғлуқшоҳ 40 минг қизил олтин динорни унинг хизматлари учун юборган".

Юқоридаги тарихий маълумот Бурҳониддин Соғаржийни Ҳиндистонга ҳам сафар қилганини кўрсатади. "Ал-Қанд фий таърихи Самарқанд" китобида ҳам унинг Ҳинди-Хитой сафарига катта боблар ажратилган бўлиб, асосий воқеалар

унинг шогирди машҳур сўфий Мир Сайид Али Ҳамадонийнинг сўзларидан олинганлиги катта аҳамият касб этади.

Ундан ташқари асарда унинг сафари вақтида катта муваффақиятларга эришиб, ўша юрт подшоҳи ва халқини мусулмон динига киргизишга эришгани, бу хизмати учун ўша мамлакат ҳукмдори қизини Соғаржийга никоҳлаб бергани айтилган.

Соғаржий Хитойда вафот этади ва васиятига кўра ўғли Абу Саъид отаси жасадини туяга ортиб Самарқандга олиб кетгани тўғрисидаги маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Аммо, унинг бошқа фарзандлари она юртида қолган бўлиши мумкин. Бу борада кўпроқ маълумот олиш учун Хитойга оид тарихий манбаларни чуқурроқ тадқиқ қилиш керак бўлади. Бу эса Соғаржий ва маликанинг фарзандлари кейинчалик Хитойдан жануби-шарқда жойлашган минтақаларга ҳам ислом динини тарқатиш мақсадида саёҳат қилганлигини кўрсатади.

К.Каттаевнинг "**Ҳазрати Руҳобод" асарида ёзишича**, Соғаржий вафот этгач ўғли Шайхзода Абу Саъид унинг жасадини олиб Самарқандга келади. Абу Саъид отаси жасадини олиб кетишдан олдин бир ё икки ўғлини она юртига хизмат қилишга қолдирган деб ёзади (Kattaev K., Katteva G., 2022:22).

Юқоридаги маълуомтлардан келиб чиққан холда Жумадил Кубро ва унинг икки ўғли Иброҳим Самарқандий ҳамда Мавлоно Исҳоқлар Бурҳониддин Соғаржий ёки унинг ўғли Абу Саъиднинг фарзанлари саналади. Чунки уларнинг Ява оролига келиши ва ундан Иброҳим Самарқандийнинг Чампага бориб ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида даъватчилик билан шуғулланганиши ҳамда у ерда қиролнинг қизига уйланиши тўғрисидаги маълумотлар ўзаро бир-бирини тўлдимоқда.

Иброҳим Самарқандий исмига "Малик" (ҳукмдор) нисбасининг қўшилиши ва қирол қизи билан турмуш қуриши ҳам унинг ҳукмдорлар наслидан эканлигининг исботидир.

Индонезияда Жумадил Кубродан бошланувчи асли Самарқандлик бўлган даъватчилар оиласи Бурҳониддин Соғаржий авлодлари бўлиб, улар ҳам ўз ота-боболари каби ислом динини тарғиб қилиш мақсадида Жануби-Шарқий Осиёга сафар қилган дейиш мумкин. Чунки, тарихий манбаларда фақатгина ушбу оила аъзоларининг Жануби-Шарқий Осиёга қилган сафарларини тасдиқловчи маълумотлар мавжуд. Шунингдек, бундай сафарлар учун етарли маблағ билан биргаликда илмий маълумотлар ҳам зарур. Ундан ташқари Чампа ва Палембанг ҳукмдорларининг Иброҳим Самарқандийга нисбатан муносабати ҳам унинг оддий инсон бўлмаганлигини кўрсатади. Оддий бир оила учун бу ишлар жуда оғир ва машаққатли бўлар эди.

НАТИЖА

Иброҳим Самарқандий номи манбаларда турлича шаклда келтирилади: Иброҳим ал-Самарқандий, Иброҳим Асмарақандий, Иброҳим ал-Ғаззолий, Саййид Иброҳим Самарқандий, Шайх Мағрибий, Мавлоно Малик Иброҳим, Сунан Гресик, Какек Бантал (Renard J., 1944:343). Ризем Аизид ўзининг "Нусантарадаги ислом тарихи" (Sejarah Islam Nusantara) асарида Самарқандийнинг турли тарихий манбаларда учрайдиган ва халқ орасида қўлланиладиган қуйидаги ном ва унвонларини келтиради:

1. Сунан Гресик
2. Сунан Тандхес
3. Сунан Ража Валий
4. Валий Қутуб
5. Муршийдул авлиё Вали сонго
6. Саййидул авлиё Вали сонго
7. Ки Агенг Бантал
8. Мавлоно Махдум Иброҳим I (Мавлоно Махдум Иброҳим II Сунан Бонанг ибн Сунан Ампелнинг унвонидир) (Aizid R., 2016:148).

Тарихий манбаларда Иброҳим Самарқандийнинг туғилган йили борасида аниқ маълумотлар учрамасада XIV асрнинг биринчи ярмида ҳижрий 759 йилнинг рабиул аввал ойи 9 санасида ёки милодий 1356 йилда Самарқандда туғилганлиги таҳмин қилинади. Вафоти этган санаси эса ҳижрий 822 йилнинг рабиул аввал ойи 12 санаси душанба кунида ёки милодий 1419 йилда эканлиги айтилади. У Индонезиянинг Шарқий Ява ҳудуди бўлган Гресикда вафот этган ва Гресикнинг Гапура Ветан қишлоғида дафн этилган.

Бугунги кунда Гресикда унинг зиёратгоҳга айлантирилган қабри мавжуд. Унинг авлодлари ҳам Индонезияга ислом дини тарқалишида муҳим ўрин тутган тарихий шахслардан бўлган. Улардан бири сифатида унинг ўғиллари бўлган Сунан Ампел ва Раден Раҳмат номлари билан танилган Раден Али Раҳматуллоҳни келтириш мумкин (Ricci R., 2009:8-31).

Иброҳим Самарқандий исми бабад танаҳ Жавий[2] матнларида Браҳим Асмара ёки Маулана

[2] Бабад танаҳ Жави – ява тилида ёзилган кўплаб қўлёзмалар учун берилган умумий ном бўлиб таржимаси "Ява ерлари тарихи" дега маънони билдиради. Ушбу қўлёзмаларнинг жойлашуи ва тафсилотлари турлича бўлиб уларнинг асосан XVIII асрдан сўнг яратилганларигина сақланиб қолаган. Матнлар асосан ҳикоя ва ривоятлардан иборат бўлиб улар маҳаллий халқларни исломни қабул қилган дастлабки Вали сонго авлиёлари билан боғлайди.

Иброҳим Асмара номлари билан ҳам келтирилади. Зумротул Мукаффанинг ёзишича “Асмара” ёки “Асмарақандий” номлари Самарқанд сўзининг Ява диалектидаги талаффузи натижасида пайдо бўлган. Бундан ташқари Мукаффа Самарқандийни Чампага келиши учун Самарқанддаги савдо муносабатларидан фойдаланганини айтади (Mukaffa Z., 2017:185).

Иброҳим Самарқандийнинг Марказий Осиёдан архипелагга келиш вақти Амир Темур (1336-1405) ҳукумронлиги даврига тўғри келади. Амир Темур ҳукумронлиги бошланган 1370 йилдан бошлаб Самарқанд нафақат Осиёнинг муҳим марказий шаҳарларидан бирига балки Ғарб ва Шарқни боғлаб турувчи асосий сиёсат, илм-фан, маданият ва савдо марказига айланган.

Кўплаб тарихий манбаларда Иброҳим Самарқандий номи Индонезия тарихида ислом динини тарғиб қилишда муҳим ўрин тутган тарихий шахс Шайх Мавлоно Малик Иброҳим билан чалкаштирилади. Ҳатто, Ява тарихшунослигида ҳам Иброҳим Самарқандий номи Мавлоно Малик Иброҳим деб аталиш холатлари тез-тез учраб туради. Ушбу чалкашлик натижасида Самарқандийнинг ҳаёт йўли ва насабномасини ўрганишни мураккаблаштиради. Ушбу чалкашлик ва ноаниқликлар сабаб кўплаб тарихий тадқиқотларда Иброҳим Самарқандий ва Самарқанд номлари эътибордан четда қолиб кетган. (Wicaksono W., 1995:24) Ундан ташқари, “археологик ҳудудда жойлашган қабр, дарвоза жойлари, шунингдек, масжид биноси Мавлоно Малик Иброҳимникидан фарқли жойлашув ва даврни кўрсатади” (Mukaffa Z., 2017:190).

Бундай чалкашлик бир қанча сабаблар натижасида вужудга келган бўлиши мумкин. Шулардан бири сифатида Агус Сонёто архипелаг тарихи борасидаги муҳим манбалардан бири бўлган Бабад танаҳ Жавийни келтиради. Унга кўра, Бабадда Шайх Мағрибий номи била ҳам танилган Мавлоно Малик Иброҳим Махдум Иброҳим Асмара эканлиги тўғрисидаги қайдлардир (Sonyoto A., 2011:54).

Мисол учун, Бабад Чиребонда (Чиребон солномаси) Иброҳим асли Тулен шаҳридан бўлган Шайх Карненнинг ўғли эканлиги тўғрисидаги ҳикоя келтирилади. Агар манбада келтирилган маълумотлар тўғри бўлса, Иброҳим маҳаллий туб аҳоли вакили эмас балки Самарқанддан кўчиб келганлиги ойдинлашади. Айнан шу манбада Самарқандийнинг отаси экани айтилган Шайх Карнен ҳам аслида Самарқандга Тулендан кўчиб келиб ўрнашгани келтирилади. Самарқанддан келган кўчманчи эканлигига сабаб эса Туленнинг бугунги Қозоғистоннинг бир қисми бўлган Каспий денгизининг шимоли-шарқий қисми, хусусан Самарқанд ўлкасининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Туйлен оролининг номи сифатида тез-тез тилга олиниши, деб ёзади Агус Сонёто (Sonyoto A., 2011:55).

Агус Сонёто томонидан “Валий сонго” номли асарида келтирилган юқоридаги маълумотларда бир қанча номутаносибликлар мавжуд. Биринчидан, манбада келтирилган Тулен ёки Туйлен деб номланган географик топонимнинг жойлашувидаги ноаниқлик бўлиб, тарихий манбаларда бундай жойнинг учрамаслигидир. Иккинчидан, Тулен деб номланган бу шаҳар Самарқанднинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Туйлен оролининг номи сифатида келтирилишидир. Чунки, тарихдан маълумки, Самарқанд ва унинг атрофида оролларни қамраб олувчи бирорта катта денгиз ёки океан мавжуд эмас.

Бабад Чиребонда келтирилган мазкур маълумотлардаги номутаносибликлар ягона холат эмас. Бошқа шахс ва воқеалар тўғрисидаги ҳикояларда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар тез-тез учраб туради. Аммо Тулен ёки Туйлен деб номланган географик топонимнинг бугунги кунда топилмаслиги бунинг мутлақо нотўғри эканлигини кўрсатмайди. Чунки юқоридаги маълумотлар келтирилган манбалар қадимги Ява тилида ёзилган. Маълумки, Ява ороли тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари талаффуз жиҳатидан кескин фарқ қилади. Ушбу тарихий географик ном ҳам маҳаллий халқ тилида талаффуз қилиниб кескин ўзгаришга учраган бўлиши мумкин.

Қолаверса Иброҳим Самарқандий туғилганидан то Индонез архипелагига келгунича бўлган вақт Самарқандда Амир Темур ва Темурийлар сулоласи ҳукумронлик қилган даврга тўғри келади. Тарихий манбалардан маълумки Амир Темур ўз салтанати номини “Турон” деб номлашни буюрган. Бу ҳақда Амир Темурнинг тарихчиси Шарафиддин Алияздий ҳам айтиб ўтган. Турон сўзи қадимги Ява тилида Тулен ёки Туйлен шаклида талаффуз қилинган бўлиши ҳам мумкин.

“Нагара кретабҳуми Сарга IV” матнларида эса Иброҳим Самарқандий Шайх Жатисвара унвонига эга бўлган “Молана Иброҳим Акбар” номи билан тилга олинади. Бошқа тарихий манбаларда бўлгани каби Нагара кретабҳуми қўлёзмасида Молана Иброҳим Акбар персонажи кейинчалик Ража Пандҳита ва Сунан Ампел номлари билан машҳур бўлган икки ака-ука Али Мусада (Али Муртазо) ва Али Раҳматуллоҳларнинг отаси сифатида ҳам тилга олинади (Sonyoto A., 2012:83).

Умуман олганда, Иброҳим Самарқандийнинг асл исми ва шажарасини топиш ёки аниқлаш жуда мушкул, бунинг асосий сабабларидан бири эса Ява тарихчилигида унинг Мавлоно Малик Иброҳим билан чалкаштирилишидир.

Жамолиддин Аҳмад ўзининг "Напак тилас аулия" асарида Иброҳим Самарқандий Муҳаммад Пайғамбарнинг 21 авлоди эканлигини айтади ва бунинг исботи сифатида қуйидаги шажарани келтиради:

1. Муҳаммад Пайғамбар алайҳиссалом
2. Фотима аз-Захро
3. Имом Ҳусайн ас-Сабт
4. Али Зайнул Обидин
5. Муҳаммад Боқир
6. Исо ан-Нақиб
7. Муҳаммад Нақиб
8. Али Урайзий
9. Жафар Содиқ
10. Аҳмад Муҳожир Илаллоҳ
11. Убайдуллоҳ
12. Алвий
13. Муҳаммад
14. Алвий
15. Муҳаммад Соҳиб Марбат
16. Али Холаъ Қосам
17. Алвий
18. Амир Абдул Малик
19. Абдуллоҳ Азаматхон
20. Аҳмад Шайх Жалол
21. Мавлоно Жамолиддин Акбар Ҳусайн
22. Иброғим ас-Самарқандий (Moch Ahmad J., 2011:10).

Яна бошқа бир манбада эса Иброҳим ва унинг ўғли Раҳматуллоҳнинг насабномаси Муҳаммад алайҳиссаломга имом Ҳусайн ибн Али орқали боғланиши айтилади (Purwadi, Niken E., 2007:23-24). Бисри Мустафо эса ўзининг Тарихул Аулия асарида Раҳматуллоҳ номини 23 авлод сифатида келтиради (Bisri Musthofa, 2016:77).

Яна бошқа бир тадқиқотчи Асмудиянингсиҳ ўзининг "Sang Pemberi Arah dalam Sejarah" асарида Иброҳим Самарқандийнинг Жамолиддин Акбар Ҳусайннинг эмас балки Жамолиддин Жумадил Кубронинг ўғли бўлганлигини ва Али ибн Абу Толиб орқали Муҳаммад алайҳиссаломга боғланишини айтиб бошқа бир шажарани келтиради. Ушбу насабномада 14 кишининг исми келтирилган бўлиб улар қуйидагилардан иборат:

1. Шайх Иброҳим ас-Самарқандий ибн
2. Жамолуддин Жумадил Кубро ибн
3. Маҳмудил ал-Кубро ибн
4. Абдурраҳмон ибн
5. Абдуллоҳ ибн
6. Ҳассан ибн
7. Сямаъун ибн
8. Нажмудил Кубро ибн
9. Намуддин ал-Кубро ибн
10. Зайнал Кубро ибн
11. Зайнал Алим ибн
12. Зайнал Обидин ибн
13. Ҳусайн ибн
14. Али ибн Абу Толиб (Asmudiyangsih, 2007:23-24).

Юқорида келтирилган ушбу насабномада кўплаб камчиликлар мавжуд. Унда келтирилган исмларнинг баъзилари мутлақо нотаниш бўлса баъзиларининг тарихий даврларида номутаносибликлар мавжуд.

Аммо, Р.Софван ва бошқалар "Kitab Purwaka Caruban Nagari" да ҳам "Kitab Hikmatil Asyirah" китобларида ҳам Иброҳим Самарқандийни Шайх Жамолиддин Жумадил Кубронинг ўғли ва Сунан Ампелнинг отаси сифатида тилга олинишини айтади (Sofwan R., Wasit H., 2004:300). Мазкур манбаларда Самарқандий номи Иброҳим Зайнул Акбар сифатида тилга олинади.

Р.Софван, Ҳ.Восит ва Ҳ.Мундирий ўзларининг "Яванинг исломлашуви" номли китобида Самарқандийнинг қуйидаги насабномасини келтириб ўтади:

1. Набий Муҳаммад с.а.в.
2. Фотима ва Али р.а.
3. Ҳусайн ас-Сабтий
4. Зайнул Обидин
5. Муҳаммад ал-Боқир
6. Жафар ас-Содиқ
7. Қосим ал-Комил (Али ал-Урайза)
8. Муҳаммад ан-Нақиб (Идрис)
9. Исо ал-Бисрий (ал-Боқир)
10. Аҳмад ал-Муҳожир
11. Убайдуллоҳ
12. Муҳаммад
13. Алвий
14. Али ал-Ғаям (Ғазам)
15. Муҳаммад
16. Алвий Амир Фақиҳ
17. Абдул Малик
18. Абдуллоҳ Хон Нуддин (Амир)
19. Ал Амир Аҳмад Шайх Жалолиддин
20. Жамолиддин ал-Ҳусайн
21. Иброҳим Зайнул Акбар (Sofwan R., Wasit H., 2004:38-39).

Иброҳим Самарқандий авлоди деб қаралувчи яна бир Валий сонго вакили, Сунан Кудус номи билан танилган тарихий шахс Сайид Жафар Содиқ (1435-1550) насабномасида ҳам Самарқандий номи

Жумадил Кубронинг ўғли сифатида келтирилади. Насабнома қуйидагича:

1. Набий Муҳаммад с.а.в.
2. Али ибн Аби Толиб
3. Сайидина Ҳусайн
4. Зайнул Обидин
5. Зайнул Алим
6. Зайнул Кубро
7. Зайнул Ҳусайн
8. Мавлоно Жумадил Кубро
9. Иброҳим Асмароқондий

Юқорида келтирилган насабномалардан қайси бирининг ҳақиқий ёки тўғри эканини аниқлаш қийин. Бунинг энг асосий сабабларидан бири эса юқорида келтирилган маълумотларни, хусусан, Жамолиддин Акбар Ҳусайн, Жамолиддин Жумадил Кубро ҳамда Жамолиддин ал-Ҳусайнларнинг таржимаи ҳоли ва ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳамда улардан бирортасини Иброҳимнинг отаси эканлигини тасдиқловчи тарихий манбаларнинг камлигидир. Амма, барча насабномаларда Иброҳим Самарқандий асли Самарқандлик бўлгани ва Жамолиддин Жумадил Кубронинг ўғли бўлгани айтилади. Юқорида келтирилган насабномаларда Иброҳим Самарқандийнинг турли номлар билан аталган ҳолда келтирилишини унинг ҳақиқатан ҳам тарихий шахс эканлигини яна бир исботи сифатида қараш мумкин.

Бундан ташқари, Иброҳим Самарқандийнинг Самарқандда туғилганлигини инкор этувчи бирорта ҳам тарихчи ёки тарихий манба йўқлигини таъкидлаш лозим. Аксинча унинг Самарқанддан бўлганлигини исботловчи бир қанча далиллар мавжуд. Улардан бири Иброҳим Самарқандий томонидан ёзилган ва кўплаб Индонез анъанавий мактаблари бўлган песантренларда кенг тарқалган, олти бобдан иборат “Усул нем бис” китобидир. Ушбу қўлёзманинг ҳар бир боби изчил равишда “Бисмиллаҳ ар-роҳман ар-Роҳим” жумласи билан бошланади. Сонёто Самарқандий томонидан ёзилган ушбу китобда унинг Самарқанд сўзидан олинган “ас-Самарқандий” нисбаси келтирилганлигини ва бу унинг асли қаердан бўлганлигига далил эканлигини айтади (Sonyoto A., 2004:52). Машҳур шахсларга туғилган жойи номини нисба қилиб бериш анъанаси мусулмон тарихидан то бугунги кунгача сақланиб қолган одат саналади.

Қолаверса Иброҳим Самарқандийнинг ўғли бўлган Сунан Ампелнинг насабномаси ҳам унинг асли Самарқанддан бўлганлигини тасдиқлайди. Манбалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки Иброҳим ас-Самарқандий Марказий Осиёнинг Самарқанд минтақасидан бўлганлиги ҳақидаги қараш уч нарсага асосланади: биринчиси, Ас-Самарқандий атамасининг Ява диалектида “Асмарақандий” деб талаффуз қилиниши, иккинчиси, “Усул нем бис” китобининг мавжудлиги ва учинчиси, Сунан Ампел ва Иброҳим Самарқандий насабномасининг бир хиллиги. Турли насабномаларда бу шахслар доим Ҳусайн ибн Али ибн Аби Толиб номи билан боғланган бўлиб, унинг насли Арабистон диёрларидан ташқари бир қанча йирик мусулмон мамлакатларида, хусусан Марказий Осиё минтақасида ҳам кенг тарқалган.

Бунга қўшимча равишда “Сулук нгасмара” ёки “Асмара” топилмасини келтириш мумкин. Ушбу манба Иброҳим Самарқандий томонидан ёзилганлиги айтиладиган XV асрга тегишли тасаввуфга оид китоб бўлиб, у ҳам мавжуд маълумотларни яна бир бор тасдиқлайди.

Иброҳим Самарқандий томонидан ёзилган ушбу манба П.Зутмулдер томонидан ҳам Сунан Бонанг китобини муҳокама қилишда қиёсий маълумот сифатида фойдаланилган. (Zoetmulder, P.J., 1990:352). Зутмулдер бу ерда “Сунан Бонанг китоби” билан Сулук Нгасмарани фақат адабиёт нуқтаи назаридан қиёслаган бўлса-да, муаллиф Махдум Иброҳим Асмара Сунан Бонангнинг бобоси эканлигига жуда кучли далил борлигини айтади (Somyoto A., 2004:52).

МУҲОКАМА

Малик Иброҳим Чампада 1379 йилдан бошлаб 13 йил яшагани ва 1392 йилда Явага кўчиб кетгани айтилади. Агар унинг туғилган санаси борасида юқорида келтирилган маълумотни (1356 йил) тўғри деб қабул қилинса, Самарқандийнинг тахминан 23 ёшлари атрофида Чампага келганини айтиш мумкин. Ушбу маълумот Малик Иброҳимнинг Самарқанддан Отаси Жумадил Кубро ва укаси Мавлоно Исҳоқлар билан биргаликда Жануби-Шарқий Осиёга келганлигини мантиқан асослайди. Чунки, Иброҳимнинг тахминий туғилган санаси, Чампага келиш ёши ва у ерда кечирган ҳаёти фаолияти ҳамда вафот этган санаси (1419 йил) тўғрисидаги маълумотларни кетма-кет жойлаштирилса унинг Самарқанддан йўлга чиққан вақтда ҳали анча ёш бўлганлигини ва бу вазиятда якка ўзи бундай катта саёҳатга чиқа олмаслигини тушиниш мумкин. Ундан ташқари юқоридаги маълумотлар Самарқандийнинг Чампада ўтказган вақти ва у ердан Явага фарзандлари билан кўчиб ўтиши вақти билан мос келади. Унинг Явага икки ўғли билан кетгани тўғрисида бир қанча маълумотлар мавжуд. Бу даврда унинг фарзандлар тахминан 5-10 ёш атрофида бўлганлигини ва уларни ёлғиз ташлаб кетиш мантиқан тўғри келмаслиги аён бўлади.

Баъзи тарихчилар келтирган маълумотга кўра, Самарқандийнинг 1404 йилда Явага Тубан бандаргоҳи орқали келиб Гресикда (Гисик) ислом динини тарғиб қилиш мақсадида портнинг шарқий томонига жойлашгани айтилади. Аммо унинг Чампадан кўчиб кетгани ва Гресикка келиб жойлашган вақти орасида 10-12 йиллик узилиш даври мавжуд. Бу даврда олимнинг қаерда ва нима билан машғул бўлгани борасида аниқ ёзма маълумотлар учрамайди. Аммо, Самарқандийнинг Гресикка боришдан аввал Палембангда бир қанча вақт қолиб у ерда аҳоли орасида исломни тарғиб қилганини ва маҳаллий ҳукмдор Аря Дамарни ислом динини қабул қилишига эришганини ҳисобга олсак, унинг бу ҳудудда қисқа вақт фаолият олиб бормаганлигини тушиниш мумкин. Шунингдек, Самарқандий Палембангдан чиққандан сўнг Бантен, Бандар Сунда Келапа, Караванг, Чиребон, Семранг ҳамда Жунг Мара каби жоларда ҳам тўхтаб ўтганлигини ҳисобга олинса юқорида келтирилган саналар ва йиллар орасидаги фарқ келиб чиқади.

Иброҳим Самарқандий борасидаги яна бир муҳим тарихий жиҳат олим қабрининг жойлашувидир. Кўпчилик тарихчилар унинг дафн этилиши борасида бир хил нуқтаи назарга эга. Тихий маълумтларга кўра, Самарқандий Чампадаги аҳолини исломлаштиришдаги муваффақиятидан сўнг, ўз тарғибот доирасини ўша даврда Мажапаҳит ҳокимияти остида бўлган Явада ҳам кенгайтиришни ният қилади ва 1400 йил бошларида Явага Тубан бандаргоҳи орқали келиб Гресикда (Гисик) ислом динини тарғиб қилиш мақсадида портнинг шарқий томонига жойлашади.

Шайх Иброҳимнинг Гресикка жойлашишини бугунги кунда ислом даъватчисининг эҳтиёткорона ҳаракати деб тушуниш мумкин. Ўша вақтда Бандар Тубан ислом динидан узоқ бўлган Мажапаҳит давлатининг асосий порти бўлганлиги ҳисобга олинса Самарқандий ва унинг яқинларини нима сабабдан янги динни тарғиб қилиш учун марқаздан узоқроқда бўлган бир қишлоққа жойлашганини тушиниш мумкин. Бу аввало ўзи ва яқинларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилган.

Халқ орасида кенг тарқалган ривоятларга кўра, Шайх Иброҳим Самарқандий аслида Гресикда узоқ вақт даъват қилмаганлиги айтилади. Мажапаҳит пойтахтига исломни тарқатиш мақсади амалга ошмай туриб, Самарқандий вафот этгани ва соҳилдан унча узоқ бўлмаган Гресик қишлоғига дафн қилинган. Бугунги кунда ҳам унинг қабри Тубан вилояти Паланг туманидаги ҳозирда Гисихаржо деб номланувчи қишлоқда жойлашган бўлиб маҳаллий мусулмон аҳоли томонидан катта зиёратгоҳга айлантирилган. Қабирга бориш учун зиёратчилар шимолий қирғоқдаги – Даенделс шоссесида – Тубан йўналишидан шарққа Пасиран – Седаю – Гресик томон чўзилган асосий йўл орқали шахсий ёки жамоат транспортидан фойдаланган холда бориш мумкин. Зиёратгоҳга айлантирилган қадимий қабр катта йўлдан жанубда,тахминан 200 метр масофада жойлашган.

ТАҲЛИЛ

Самарқандий Гресикда исломнинг биринчи тарғиботчиси, шунингдек, таниқли авлиё Сунан Ампелнинг отаси бўлгани учун унинг қабри халқ учун муқаддас бўлиб, маҳаллий аҳоли орасида Сунан Гагесик ёки Сунан Гесик қабри сифатида кенг танилган (Mukaffa Z., 2017:175-200). Маълумотларга кўра, Иброҳим Самарқандий вафотидан сўнг унинг ўғиллари Али Муртазо, Али Раҳматуллоҳ ва уларнинг жияни Раден Бурераҳ (Абу Ҳурайра) ҳамда Чампалик бошқа бир қанча қариндошлари билан бирга Мажапаҳит ҳукмдорига турмушга чиққан холаси Деви Даравати билан танишиш мақсадида Мажапаҳит пойтахтига йўл олишади (Sonyoto A., 2012:81). Самарқандий авлодлари шу тариқа минтақада ислом дини тарқалишида ўзларининг беқиёс вазифаларини бажаради.

Юқоридаги барча малумотлар Иброҳим Самарқандий шахсияти ва ҳаёт фаолияти тўғрисида маълумот берувчи манбалар етарли бўлишига қарамасдан унинг архипелагдаги ислом динининг биринчи даватчиларидан бири эканлиги ҳақида хабар бермоқда.

Иброҳим Самарқандийнинг маҳаллий аҳолига исломни танитиш, Самарқанд, Чампа ва Ява орасида ҳақиқий кўприк бўлган мусулмон жамиятини яратишда муваффақиятга эришганини билдирувчи, архипелагга келганидан сўнгги ҳаётининг дастлабки даврлари борасида хабар берувчи кўплаб тарихий маълумотлар мавжуд. У Явага эътибор қаратишдан олдин Чампада узоқ вақт давомида қолиб, ушбу ҳудудда исломни тарғиб қилиб мусулмон жамиятини шакиллантиришга муваффақ бўлади. Чампадаги фаолияти натижасини “ислом жамияти” деб аташ мутлақо асосли эди, чунки унинг минтақадаги фолияти давомида Чампанинг аксарият аҳолиси, ҳатто ҳукумрон қатлам ҳам ислом динини қабул қилиб мусулмон бўлган эди. Чампадан сўнг у ўз ишини Суматрада давом эттиради ва ундан сўнг Гресикка келади.

Бисри Мустафо Самарқандийнинг Чампада мусулмон жамиятини шакллантириш жараёнларини

бошлаши милодий 1300 иллардан яъни унинг бу ҳудудга келган давридан бошланган деган қарашни илгари суради (Bisri Mustofa, 2004:3). Аммо, ушбу фикрни тўғри деб қабул қилиб бўлмайди. Чунки, кўплаб тарихчилар Самарқандийнинг XIV асрнинг ўрталарида туғиланлигини такидлайди. Улар қаторига А.Сонёто, Э.Никен, Пурвади, З.Мукаффа ва бошқаларни келтириш мумкин. Бундан ташқари, унинг вафот этган санаси (1419) кўпчилик тарихчилар томонидан бирдек қабул қилинган ва бу давр унинг 1300 йилларда ўз тарғиботини бошлашига мантиқан тўғри келмайди. Лекин, Бисри Мустафо келтирган "1300 йиллар" иборасини XIV асрнинг иккинчи ярми сифатида қабул қилиш мумкин, чунки муаллиф бу гапи билан 1300 йилларнинг аниқ санасини келтирмаган.

Самарқанддан Чампагача бўлган масофанинг узоқ бўлишига қарамасдан унинг бу йўлни босиб ўтиб архипелагга келиши Туркистон ва Юан сулоласидан бўлган Хитой императори ўртасидаги муносабатларнинг яхши бўлганлиги билан изоҳланади (Sonyoto A., 2004:54).

XIV-XV асрларда Чампа йирик қироллик сифатида танилган бўлиб, беш ҳудудий бирликдан иборат бўлган ва уларнинг ҳар бирини битта шаҳзода бошқарган. Бу вилоятлар Индрапура, Амаравати, Вижая, Каутхара ва Пандуранга деб номланган. Қироллик юксалиши 1360-1390 йилларда Че Бонг Нга ҳукумронлиги даврида ўзининг чўққисига чиққан. Иброҳим Самарқандий ҳаракатлари билан қирол Че Бонг Нга ислом динини қабул қилади ва ўз исмини Султон Зайнал Обидин деб ўзгартиради. Бу ҳудуд XV асрнинг ўрталаригача Ҳиндистон ва Яқин Шарқ билан бир қаторда турувчи, бутун дунёдан савдогарлар ташриф буюрадиган энг машҳур шаҳарлардан бири бўлган (Sjamsudduha, Kasdi A., 1998:114).

Шуни таъкидлаш керакка, Самарқандийнинг Чампага келиши ва ислом динини тарғиб қилиш борасидаги ҳаракатлари ўша даврдаги маҳаллий ҳукумат вакилларини безовта қилган. Ҳатто баъзи ҳукмдорлар исломга эргашган ёки уни қабул қилган ҳар бир маҳаллий аҳоли қаттиқ жазоланиши ҳақида кўрсатмалар берган. Иброҳим Самарқандийни жазолаш тўғрисида ҳам кўрсатма берилган (Yudi AW, 2013:42). Бу холат уни тўхташига ва Чампада жойлашган Сингасари тоғида қолишга мажбур қилади. Шундай бўлишига қарамасдан у ўзи жойлашган ҳудуддаги аҳоли орасида ислом динини тарғиб қилишда давом этади. Унинг бу ҳаракатлари маҳаллий ҳукмдорларни янада ғазаблантиради ва уни ўлдиришга ҳукм қилинади. Аммо, Самарқандий қатл этилишидан аввал Чампа ҳукмдори тўсатдан вафот этади. Ҳокимият тепасига аввалги қиролнинг ўзидан катта опалари қарамоғидаги ўсмир ўғли келади. Қиролнинг вафот этганини эшитган Самарқандий Сингасари тоғидан Чампа шаҳрига тушади. Янги ҳукмдор ислом дини ва Иброҳим Самарқандийга нисбатан мутлақо бошқача қарашга эга эканлиги тарихий манбаларда келтирилади. Янги ҳукмдор кейинчалик исломни қабул қилган ва ҳатто иккинчи қизи Чандравуланни Иброҳим Самарқандийга турмушга берган.

Чампада ислом динини тарғиб қилишда янги ҳукмдор ва унинг оиласи муҳим рол ўйнагани шубҳасиздир. Чунки, тарихий манбалардан маълумки ислом бу минтақада X асрдан буён мавжуд (Sjamsudduha, Kasdi A., 1998:116) бўлишига қарамасдан аҳоли орасида кенг тарқалмаган эди.

Пурвадийнинг "Бабад танаҳ Жави" китобида келтирган маълумотлариа кўра, Самарқандий Чампа ерларида 20 йилга яқин ислом динини тарғиб қилади. Қиролнинг қизи бўлган хотини Чандравуландан Али Муртазо ва Али Раҳматулло исмли икки фарзанд кўради. 1400 йилнинг бошида Иброҳим икки ўғли ва бир қанча яқинлари билан Чампадан Явага йўл олади. Унинг Явага келиши сабаблари борасида тарихчилар турли қарашларни илгари суради. Юдий "Бабад Валисонго" китобида Самарқандийнинг Явага келиши сабаби сифатида уларнинг ҳали Пасайда бўлган вақтларида отаси Шайх Жамолиддин Ҳусайнга берган ваъдасини бажариш мақсадида унинг ортидан Явага кетгани айтилади.

Олимнинг кейинги даъват ҳудуди сифатида айнан Явани танлашини яна бир сабаби сифатида Явани ҳам ўз ҳокимияти остида бирлаштирган Мажапаҳит империяси ва Чампа қиролликлари ўртасида яқин алоқалар мавжуд бўлганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Маълумотларга кўра, икки давлат ўртасидаги яқин алоқалар қариндошлик ришталари билан боғланган ва қариндошликнинг Иброҳим Самарқандийга ҳам алоқаси бор эди. Пурвадийнинг "Бабад танаҳ Жавий" асарида ёзишича, Самарқандийнинг хотини бўлган Чампа қиролининг қизи Чандравуланнинг Деви Даравати исмли яна бир опаси бўлган. Деви Даравати Мажапаҳит империясининг ўша даврдаги ҳукмдорларидан бўлган Прабу Бравижая билан турмуш қурган ва икки қироллик ўртасида ўзаро яқин муносабатлар қариндошлик алоқалари билан янада мустаҳкамланган (Purwadi, 2005:23). Юдий "Бабад Валисонго" китобида ёзишича Чампа ҳукмдорининг уч нафар фарзанди, икки қизи ва бир ўғли бўлган. Катта қизи Деви Дараватини Мажапаҳит қиролига кичик қизи Деви Чандравуланни Иброҳим

Самарқандийга турмушга берган (Yudi AW, 2013:18-19). Қиролнинг тахт вориси бўлган ягона ўғли борасида манбаларда турли маълумотлар учрайди. Шулардан энг кенг тарқалгани унинг исми Рату Яга ёки Атанята бўлганлиги, шахзода исломни қабул қилгач Иброҳим Самарқандий унга ислом таълимотини ва қандай қилиб Аллоҳга ибодат қилиш кераклиги борасида таълим бергани ҳамда унинг бошқаруви даврида Чампа доруссаломга айлангани борасида ҳикоя қилинади (Yudi AW, 2013:18-19). Юқорида келтирилган маълумотлар Иброҳим Самарқандийни ислом динини ёйиш мақсадида нима сабабдан айнан Явани танлаганини изоҳлаб беради.

Самарқандий ва авлодларининг Явадаги фаолияти борасида тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Аммо, уларда ҳам кўплаб чалкашлик ва ноаниқликлар мавжуд.

Ява оролида ислом динининг ривожланиши тахминан милодий 1399 йилда минтақага мусулмон даъватчиларнинг, хусусан Иброҳим Самарқандийнинг Гресикга келиши билан бошланган. Ислом динининг ривожланиши Ява оролида XIV-XV асрларда жадал суръатларда олиб борилган, бу эса Валисонго номи билан машҳур бўлган ислом тарғиботчилари томонидан амалга оширилган (Zuhri S., 1981:216). Валий сонгоннинг биринчи валийси ва асосчиси Иброҳим Самарқандий бўлган.

Тарихий манбаларда учрайдиган маълумотларни тадқиқ этиш натижасида Иброҳим Самарқандийнинг ўзига хос даъват услубини кўриш мумкин. Унинг жамиятга яқинлашуви ва динни тарғиб қилиши замонавий миссионерлик фаолияти ва методларидан мутлақо фарқ қилган. Самарқандий аввало жамиятга аҳолининг анъана ва урф-одатларидан келиб чиққан ҳолатда яқинлашган. Кундалик муносабатларда доимо дўстона муносабатда бўлади. Маҳаллий аҳолининг динига, ҳаётий ва эътиқодий қарашларига кескин қарши чиқмайди, фақат соф ислом ақидаси ҳамда мусулмон кишининг қандай бўлиши кераклигини намойиш қилади. Унинг меҳмондўстлиги туфайли кўпчилик ислом динига катта қизиқиш билан яқинлашади. Кўплаб тарихий манбаларда келтирилган ривоятларда Иброҳим Самарқандий дастлаб ҳозирги Манёрнинг Роомо қишлоғидаги очиқ портда савдо-сотиқ билан шуғулланган айтилади. Иброҳимнинг ҳалол ва ўзганинг ҳаққига хиёнат қилмайдиган савдогар сифатида ном қозониши маҳаллий аҳоли орасида унинг янада таъсирини ортишига сабаб бўлган (Rizem Aizid, 2016:155).

Тижорат унга кўплаб одамлар билан мулоқот қилиш ҳамда жамиятга кириб бориш имконини беради, бундан ташқари қирол ва зодагонлар ҳам савдогар, кема эгаси ёки ҳомий сифатида ушбу савдо фаолиятларида иштирок этарди. Самарқандий жамиятга кириб мустаҳкам ўрнашгандан сўнг аввал масжид сўнгра унинг таркибида архипелагдаги биринчи диний талим маскани бўлган песантрен ташкил этиб ушбу жойдан ислом динини янада кенг тарғиб қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида келтирилган маълумот ва назариялар Иброҳим Самарқандийнинг асли Самарқанддан келган ва Индонезия архипелагида ислом динининг кенг тарқалишига катта ҳисса қўшган олим эканлигини тасдиқламоқда. Унинг авлодлари эса Индонезияни бугунги замонавий дунёнинг энг кўп мусулмон аҳолиси истиқомат қилувчи мамлакатларидан бирига айланишига ўзларининг беқиёс ҳиссасини қўшганлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Тарихчилар томонидан Иброҳим Самарқандийнинг Индонезия архипелагидаги ислом дини тарихидаги аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаганлиги Самарқанд ва Самарқандий шахсиятининг бу тарихий жараёнлардаги аҳамиятини йўққа чиқара олмайди. Архипелаг тарихи борасида маълумот берувчи Бабад Чиребон, Бабад Танах, Бабад Жави ва бошқа кўплаб тарихий манбаларда у ҳақида келтирилган маълумотлар ҳамда у томонидан ёзилган “Усул нем бис” ва “Сулук Нгасмара” каби тарихий манбалар бунинг ҳақиқат эканлигини яққол исботлаб турибди.

Махдум Иброҳим Самарқандийнинг ёшлиги, ҳаётининг Самарқандда ўтказган даврлари, устозлари ҳамда нима сабабдан ва қандай йўллар орқали Индонезия архипелагига бориб қолгани борасида маълумотларга эга бўлиш учун эса кенг қамровли тарихий тадқиқотлар олиб бориш лозим. Бундай тадқиқотлар натижасида ислом ва мусулмон оламининг кўплаб буюк сиймоларини кашф қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Sunyoto, Agus (2012) Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah. Jakarta: Mizan, p. 81.
2. Sunyoto, Agus (2004) Sunan Ampel Raja Surabaya: Membaca Kembali Dinamika Perjuangan Dakwah Islam di Jawa Abad XIV-XV M (Surabaya: Diantama), Hlm. 54.

3. Sunyoto, Agus (2011), Wali Songo, Rekonstruksi Sejarah yang Disingkirkan. Jakarta: Transpustaka, p. 55.
4. Asmudiyangsih (1996) Sang Pemberi Arah dalam Sejarah. Tuban, p. 10.
5. Абу Тоҳирхожа (1991) Самария, Тошкент, Камалак.
6. Azra, Azyumardi (1994) Jaringan Ulama Timur Tengah dan Kepulauan Nusantara Abad XVII dan XVIII. Bandung: Mizan.
7. Ann, R. Kinney; Marijke J. Klokke; Lydia Kieven (2003) Worshiping Siva and Buddha: The Temple Art of East Java. University of Hawaii Press.
8. Audrey Kahin (2015) Historical Dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers.
9. Abdullah, A., Suardi A. (2018) Origins of Islam in Indonesia. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Indonesia. pp. 1149-1178.
10. Bisri Mustofa (2004) Tarikhul Auliya. Rembang: Gama Media, p. 3.
11. Drewes, G.H.W. (1968) "New Light on the Coming of Islam to Indonesia." BKI.
12. Fahruddin, A. and Y. Hanan Pamungkas (2012) "Siwasiddhanta Penelusuran Aliran Siwaisme di Jawa Timur Periode Klasik." Avatara, Vol. 2012, No. 2, pp. 241-254.
13. Coedes, G. (1968) The Indianized states of Southeast Asia. University of Hawaii Press. P. 424.
14. Husda, H. (2016) "Islamisasi Nusantara; Analisis Terhadap Diskursus Para Sejarawan," Adabiya, pp. 17-29.
15. Hourani, G.F. (1947) Direct sailing between the Persian Gulf and China in pre-Islamic times, JRAS, pp.157-60.
16. Hurgronye, S. (1907) "L, Arabie et Les Indes Neerlandaises,"Versprede Geschriften, jilid 4, bag.2, h. 106.
17. Hsu Yun-Ts'iao, Notes on the account of Siam in Ming Shih, Siam oversea-Chinese weekly, vol.i, no.'s 28, 30 and 32 (Bangkok, 1938).
18. Renard, J. (1944) Tales of God's friends: Islamic hagiography in translation. University of California Press. – London. p. 343.
19. Каттаев, К., Каттаева, Г. (2022) Ҳазрати Руҳобод. Шайх Бурҳониддин Соғаржий ва Мавлоно Иброҳим ас-Самарқандий тарихи. Самарқанд: Фан булоғи нашриёти. 112 Б.
20. Kahin, A. (2015) Historical Dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers. P. 724.
21. Moch Jamaluddin Ahmad (2011) Napak Tilas Auliya. Jombang: Pustaka Al-Muhibbin. 212 Hlm.
22. Bruinessen, M. (1994) Traces of Kubrawiyyah influence in early Indonesian Islam. Bijdragen tot de Taal, Landen Volkenkunde. P.150.
23. Насафий (2001) Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд (Самарқандия). Тошкент."Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашри. (Араб тилидан Усмонхон Темирхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси).
24. Насафий (1994) Ал-Қанд фий таърихи Самарқанд (Қандия). Самарқанд Суғдиён. (Араб-форсийдан таржима, тадқиқот, Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи-Комилхон Каттаев).
25. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent" // Multidisciplinary scientifc journal "Arhivarius" collection of scientifc publications. -P.7-14. https:// www.researchgate.net/publication/333985613.
26. Purwadi & Enis Niken (2007) Dakwah Walisongo, penyebaran Islam berbasis kultural ditanah Jawa. Yogyakarta: Panji Pustaka.
27. Wheatley, P. (1973) The Golden Khersonese: studies in the historical geography of the Malay Peninsula before A.D. 1500. Connecticut, p. 253.
28. Purwadi (2005) Babad Tanah Jawi. Yogyakarta: Penerbit Gelombang Pasang.
29. Sofwan, R., Wasit, H., Mundiri (2000) Islamisasi di Jawa, Walisongo, Penyebar Islam di Jawa menurut Penuturan Babad. Yogjakarta: Pustaka Pelajar.
30. Ricci, R., (2009) "Conversion to Islam on Java and the Book of One Thousand Questions," Bijdragen tot de Taal-, Land- en Volkenkunde, 165: 1 (2009): pp. 8–31
31. Sjamsudduha, Kasdi, A. (1998) Sejarah Sunan Drajat dalam Jaringan Masuknya Islam di Nusantara. Surabaya: PT Bina Ilmu, p. 114.
32. Zuhri, S., (1981) Sejarah Kebangkitan Islam dan Perkembangannya di Indonesia. Bandung:Al Maarif. 216 Hlm.
33. Tjandrasasmita, U. (1975) Islamic Antiquity of Sendang Duwur. Jakarta: The Archeological Foundation.
34. Ustadz Rizem Aizid (2016) Sejarah Islam Nusantara: Dari Analisis Historis hingga Arkeologis tentang Penyebaran Islam di Nusantara. Yogyakarta: Diva Press. Hlm. 396.
35. Wicaksono, W. (1995) Mengislamkan Tanah Jawa, Telaah Atas Metode Dakwah Walisongo. Bandung: Penerbit Mizan.
36. Wijaya, W. (2014) Kandi Panca Balikrama Besakih. Denpasar: Pustaka Larasan.
37. Wheatley, P. (1956) Chinese sources for the historical geography of Malaya before A.D. 1000, MJTG, vol. ix, pp. 71-8.
38. Yudi AW. (2013) Babad Walisongo. Yogyakarta: Narasi.
39. Zoetmulder, P.J. (1990). Manunggaling kawula gusti: pantheisme dan monisme dalam sastra suluk Jawa. Jakarta: Gramedia. Hlm. 352.
40. Mukaffa Z. (2017) "A New Account on the Potrait of Ibrahim Asmarakandi and His Sufism Approach in the Islamization of Java" Journal of Indonesian Islam 11, No. 1. pp. 175-200.
41. https://radarjogja.jawapos.com/boks/2018/06/04/mampir-di-gresik-ziarah-makam-kakek-bantal-dan-sunan-giri/

REFERENCES:

1. Sunyoto, Agus (2012) Atlas Wali Songo, Buku Pertama yang Mengungkap Walisongo sebagai Fakta Sejarah. Jakarta: Mizan, p. 81.
2. Sunyoto, Agus (2004) Sunan Ampel Raja Surabaya: Membaca Kembali Dinamika Perjuangan Dakwah Islam

di Jawa Abad XIV-XV M (Surabaya: Diantama), Hlm. 54.
3. Sunyoto, Agus (2011), Wali Songo, Rekonstruksi Sejarah yang Disingkirkan. Jakarta: Transpustaka, p. 55.
4. Asmudiyangsih (1996) Sang Pemberi Arah dalam Sejarah. Tuban, p. 10.
5. Абу Тоҳирхожа (1991) Самария, Тошкент, Камалак.
6. Azra, Azyumardi (1994) Jaringan Ulama Timur Tengah dan Kepulauan Nusantara Abad XVII dan XVIII. Bandung: Mizan.
7. Ann, R. Kinney; Marijke J. Klokke; Lydia Kieven (2003) Worshiping Siva and Buddha: The Temple Art of East Java. University of Hawaii Press.
8. Audrey Kahin (2015) Historical Dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers.
9. Abdullah, A., Suardi A. (2018) Origins of Islam in Indonesia. International Journal of Pure and Applied Mathematics. Indonesia. pp. 1149-1178.
10. Bisri Mustofa (2004) Tarikhul Auliya. Rembang: Gama Media, p. 3.
11. Drewes, G.H.W. (1968) "New Light on the Coming of Islam to Indonesia." BKI.
12. Fahruddin, A. and Y. Hanan Pamungkas (2012) "Siwasiddhanta Penelusuran Aliran Siwaisme di Jawa Timur Periode Klasik." Avatara, Vol. 2012, No. 2, pp. 241-254.
13. Coedes, G. (1968) *The Indianized states of Southeast Asia. University of Hawaii Press. P. 424.*
14. Husda, H. (2016) "Islamisasi Nusantara; Analisis Terhadap Diskursus Para Sejarawan," Adabiya, pp. 17-29.
15. Hourani, G.F. (1947) Direct sailing between the Persian Gulf and China in pre-Islamic times, JRAS, pp.157-60.
16. Hurgronye, S. (1907) "L, Arabie et Les Indes Neerlandaises,"Versprede Geschriften, jilid 4, bag.2, h. 106.
17. Hsu Yun-Ts'iao, Notes on the account of Siam in Ming Shih, Siam oversea-Chinese weekly, vol.i, no.'s 28, 30 and 32 (Bangkok, 1938).
18. Renard, J. (1944) Tales of God's friends: Islamic hagiography in translation. University of California Press. – London. p. 343.
19. Kattaev, K., Kattaeva, G. (2022) Hazrati Ruhobod. Shayh Burhoniddin Sogarji va Mavlono Ibrohim as-Samarkandi tarihi. Samarkand: Fan bulogi nashriyoti. 112 B.
20. Kahin, A. (2015) Historical Dictionary of Indonesia. Rowman & Littlefield Publishers. P. 724.
21. Moch Jamaluddin Ahmad (2011) Napak Tilas Auliya. Jombang: Pustaka Al-Muhibbin. 212 Hlm.
22. Bruinessen, M. (1994) Traces of Kubrawiyyah influence in early Indonesian Islam. Bijdragen tot de Taal, Landen Volkenkunde. P.150.
23. Nasafi (2001) Al-Qand fiy zikri ulamai Samarkand (Samarkandiya). Toshkent."Uzbekistan milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashri. (Arab tilidan Usmonhon Temirhon ugli va Bahtijor Nabihon ugli tarzhimasi).
24. Nasafi (1994) Al-Qand fiy tarihi Samarkand (Qandija). Samarkand Sugdiyona. (Arab-forsiydan tarjima, tadqiqot, Suzboshi va izohlar muallifi- Komilhon Kattaev).
25. Mukhamedov Nematullo (2019) "The role of the Sheikh Zayniddin complex in the spiritual life of Tashkent" // Multidisciplinary scientifc journal "Arhivarius" collection of scientifc publications. -P.7-14. https:// www.researchgate.net/publication/333985613.
26. Purwadi & Enis Niken (2007) Dakwah Walisongo, penyebaran Islam berbasis kultural ditanah Jawa. Yogyakarta: Panji Pustaka.
27. Wheatley, P. (1973) The Golden Khersonese: studies in the historical geography of the Malay Peninsula before A.D. 1500. Connecticut, p. 253.
28. Purwadi (2005) Babad Tanah Jawi. Yogyakarta: Penerbit Gelombang Pasang.
29. Sofwan, R., Wasit, H., Mundiri (2000) Islamisasi di Jawa, Walisongo, Penyebar Islam di Jawa menurut Penuturan Babad. Yogjakarta: Pustaka Pelajar.
30. Ricci, R., (2009) "Conversion to Islam on Java and the Book of One Thousand Questions," Bijdragen tot de Taal-, Land- en Volkenkunde, 165: 1 (2009): pp. 8–31
31. Sjamsudduha, Kasdi, A. (1998) Sejarah Sunan Drajat dalam Jaringan Masuknya Islam di Nusantara. Surabaya: PT Bina Ilmu, p. 114.
32. Zuhri, S., (1981) Sejarah Kebangkitan Islam dan Perkembangannya di Indonesia. Bandung:Al Maarif. 216 Hlm.
33. Tjandrasasmita, U. (1975) Islamic Antiquity of Sendang Duwur. Jakarta: The Archeological Foundation.
34. Ustadz Rizem Aizid (2016) Sejarah Islam Nusantara: Dari Analisis Historis hingga Arkeologis tentang Penyebaran Islam di Nusantara. Yogyakarta: Diva Press. Hlm. 396.
35. Wicaksono, W. (1995) Mengislamkan Tanah Jawa, Telaah Atas Metode Dakwah Walisongo. Bandung: Penerbit Mizan.
36. Wijaya, W. (2014) Kandi Panca Balikrama Besakih. Denpasar: Pustaka Larasan.
37. Wheatley, P. (1956) Chinese sources for the historical geography of Malaya before A.D. 1000, MJTG, vol. ix, pp. 71-8.
38. Yudi AW. (2013) Babad Walisongo. Yogyakarta: Narasi.
39. Zoetmulder, P.J. (1990). Manunggaling kawula gusti: pantheisme dan monisme dalam sastra suluk Jawa. Jakarta: Gramedia. Hlm. 352.
40. Mukaffa Z. (2017) "A New Account on the Potrait of Ibrahim Asmarakandi and His Sufism Approach in the Islamization of Java" Journal of Indonesian Islam 11, No. 1. pp. 175-200.
41. https://radarjogja.jawapos.com/boks/2018/06/04/mampir-di-gresik-ziarah-makam-kakek-bantal-dan-sunan-giri/